

Азизиддин Насафий, комил инсон деганда, инсонларнинг энг мукаммали, энг ақлли, энг доноси, Худо билан одамларни боғловчи, ғайб сирларини бошқаларга етказувчи кишини тушунади. Бундай кишида илоҳий хислатларнинг ҳаммаси мужассам бўлади, ўзининг юксак маънавияти билан бутун коинотни қамраб олади. Бундай кишилар ҳамиша бедор ва ҳамма нарсадан хабардор бўладилар. Комил инсон жамият ичида шаклланади, яъни азалдан мартабаси аниқланган руҳ эмас, балки маънавий-ахлоқий покланиш жараёнида камолотга эришади. Комилликнинг олий белгиси - Ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Инсон ўзининг кундалик фаолияти билан бошқаларга қанча фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга бошласа, Ҳақ йўлида фидойилик қилса, шунчалик юксакликка, комилликка кўтарилади.

Насафийнинг қуйидаги фикри ҳам инсоннинг комиллик сари интилишида ўзига хос ўринга эгадир. Мутасаввиф "...инсон жони (руҳи) нинг камолоти ақллар ва фалаклар олами (руҳи) билан вобастадир, зеро фалаклар оламининг барча жонлари ва ақллари маърифат ва сафо соҳибидирлар ва доимий равишда маърифат эгаллаб, нурафшонлик касб этадилар. Шу боис инсоннинг вазифаси-узлуксиз маърифатга интилиш ва нур билан тўлдириш ва илм топиб, мусаффолик сари интилишдир"[1:21]. Бу фикрлар орқали мутасаввиф инсонни илм олиш, маърифатга интилиш ва ўз қалбини маърифат нурлари билан тўлдиришдек қимматли амалларга ундаган.

Азизиддин Насафий яна бир ўринда қуйидаги "...шундай йўл тутгинки, қалбинг саховат ва ҳикматга тўлган бўлсин, эзгулик соҳиби бўлгин... қалбинг ҳақгўйлик (ростлик) ва эзгулик билан безансин, токи инсон деган улуғ номга муносиб бўлсанг дўзах азобларидан қутуласан... Сенинг ҳақиқатинг (моҳиятинг) тўғрилиқ ва хайрли ишлар ижод қилиш бўлсин".[1:54]-ғояни илгари сурган. Бу ҳам комиллик сари интилишнинг ўзига хос йўналишларидир. Комил инсонга Яратган томонидан кўрсатилган бунчалик ҳурмат-эътиборнинг, олий эҳтиромнинг боиси, унинг ҳам илоҳий, ҳам дунёвий такомилга эришгани учундир, чунки у "ҳеч кимга хизматини дариг тутмайди, тили, кўли, моли билан ўзгалар ёрдамига шошилади... зеро қалб камолотига эришиб, жаннатий одам нимаики қилмасин, унинг дунё ва охирати кенгайди"[1:55]. Демак, комил инсонлар Аллоҳнинг суюқ бандалари, чунки улар Яратганнинг асл мақсадини рўёбга чиқариш учун бунёд бўлганлар: бу юксак ахлоқ эгаларининг ҳар икки дунё учун буюк хизматлари жаннатни кенгайтириш ва дўзахни торайтиришдан иборат. Шу боис улар коинотнинг сарвари, барча борлиқ улар учун яратилган.

Шундай қилиб, Азизиддин Насафий инсон буюк зот эканлигини ҳар томонлама исботлади. Инсон, коинот, Оллоҳ ўзаро алоқадор, бир-бирига таъсир ўтказиб туради, деган хулосага келди. Худди шунинг учун ҳам,

Азизиддин Насафийни тасаввуф фалсафасида баркамол инсон тўғрисидаги таълимотнинг машҳур назариётчиси дейиш мумкин. Ўз навбатида, Азизиддин Насафий кубравияни ўрта аср мусулмон фалсафасида инсон рухий-маънавий камолоти тўғрисидаги йирик, яхлит таълимот даражасига кўтарди, десак муболаға бўлмайди .

Хулоса қилиб айтганда, Азизиддин Насафий XIII аср тасаввуф тариқатининг кўзга кўринган назариётчиси сифатида тасаввуф таълимотининг ниҳоятда машаққатли ва масъулиятли йўл эканлигини, бу йўлга кўр-кўрона кириб бормасликни назарий жиҳатдан асослаб беради. Тасаввуф йўлини танлаган одам учун бу йўл одамийликнинг барча даражаларини эгаллашга ёрдам беришини, зеро, тасаввуф йўлига киришнинг асл мақсад-муддаоси қалб саховатига эга бўлиш, эзгулик соҳибига айланишдан иборатлигини таъкидлаб кўрсатади. “Шундай бўлгилки, сендан беихтиёр ҳамиша яхшилик ва саховат ёғилиб турсин, ҳамма вақт ёвузлик ва ҳақорат ёғдирадиган кишилардан бўлма, чунки уларнинг ҳақиқати (табиати) ҳамиша ноҳақлик ва зулм, нохушлик ижод қилишдир. Сенинг ҳақиқатинг (моҳиятинг) тўғрилиқ ва хайрли ишлар ижод қилиш бўлсин”, - деб ўз фикрини хулосалайди Азизиддин Насафий.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Азизиддин Насафий. Зубдат ул ҳақойиқ – (Ҳақиқатлар қаймоғи). Н. Комилов тарж. –Т. “Камалак”. 1996.
2. Нажмиддин Комилов. Нажмиддин Кубро рисоласи. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент. 1995.
3. Наврўзова Г., Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний –етти пирнинг табаррук устози,-Т. 2016.148-бет
4. Каримов Ислом. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.
5. Саиджафарова П.Ш. Мистические и философские взгляды Азизуддина Насафи. Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. “Душанбе”. 2012.

#### **ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ МЕРОСИНING АХЛОҚИЙ-ТАРБИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИING ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ**

**Раупова Раъно Соҳибовна, БухДУ**

Темурийлар даврида етишиб чиққан йирик алломалар меросининг марказида инсон ва унинг камолоти, жамият маънавий ҳаётидаги ҳамжиҳатлик, касб қор эгаллаш, ҳалол меҳнат қилишга ундовчи ғоялар

муҳим ўрин тутди. IX-XII асрларда рўй берган Ренессанс ҳодисаси бу даврни ўзига хос тарзда озиклантди. Мовароуннаҳрда нафақат диний илмлар балки дунёвий фанлар ривожланиши учун ҳам замин ҳозирланди.

Хожа Исматнинг дунёқарашини у яшаб фаолият кўрсатган XIV аср охири ва XV аср биринчи ярмида ижод майдонида Мовароуннаҳр ва Хуросонда яратувчилик билан шуғулланган замондош шоирларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий, ахлоқий-фалсафий қарашларидан ажратиб олган ҳолда талқин қилиш мумкин эмас. Чунки бир масканда, бир хил маънавий-маданий муҳитда яшаган мутафаккирларнинг ҳаёт, инсон, уни ўраб олган мавжудот, атрофда содир бўладиган воқеа-ҳодисаларга нуқтаи назарининг турлича бўлишини ақлга сиғдириш душвор. Хусусан, табиатнинг олий хилқати инсон тақдири устида бош қотирувчи, уни руҳий-маънавий балоғат пиллапояларида кўриш орзуси билан нафас олувчи ижод аҳли хусусида шундай гапни айтиш жоиздир.

Умрининг катта қисмини илоҳий-ирфоний пирларнинг ватани бўлган Бухоро ва Самарқандда ўтказган Хожа Исматнинг дунёқарашини ҳам мулки борлиқнинг яратувчиси, синчков нигоҳбони Тангри таолонинг мўъжизаларидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Мутасаввиф шоирнинг дунёқарашини бир жиҳатдан исломий таълимот, яъни тасаввуфга таянади. Тасаввуф тариқатлар воситасида инсонларда Пайғамбаримиз амал қилган ахлоқни тарбиялаб босқичма-босқич олий камолот даражасига етказди. Ўзгича, иймон, ибодат инсонни руҳан поклайди, қалбига ва руҳига осойишталик бахш этади. Тариқатга кирмасданок, шариат талабларини бажарган инсон маънавияти етук шахс бўлиб шаклланиши мумкин. Юксак инсоний сифатларга эга бўлган одам, Аллоҳнинг сифатларини чуқурроқ идрок этиш, англаш, ҳикматларини тушуниш учун тасаввуф тариқатига кириши лозим бўлган. Тасаввуф таълимоти ва сўфийларнинг асосий мақсади суҳбат эмас, балки жамиятда йўқолиб бораётган, ўзгича, инсонийлик, поклик, ҳалолликни энг асосийси гўзал ахлоқни сақлаб қолишни тарғиб қилиш бўлган. Шу мазмунда, хусусан, нақшбандия тарафдорлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганлар<sup>45</sup>; Тасаввуф жамиятда диний-ахлоқий муносабатларини энг тўғри, энг яхши, манфаат туйғусидан йироқ бўлган ҳолда тартибга солгани ва таълим бергани учун ҳам севилади. Ахлоқ тарбиясини тасаввуф таълимотдан ўрганиш мумкин. Жамиятда комил инсон тарбиясида сўфийлар иймонсизликка, муқаддас маънавиятимизга ҳурматсизликка, инсон дилининг ранжишига, умуман жамики адолатсизликка қарши курашувчи тарғиботчилар бўлган.

---

<sup>45</sup>Муршиди комил ҳикматлари. Доктор, профессор, Шайх Махмуд Асъад Жўшон ҳикматларидан сайланма. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. – С 17,39.

Хожа Исмат Бухорийнинг ўз даври учун илгари сурган ахлоқий қарашлари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шоирнинг тасаввуфий-фалсафий қарашлари ўзининг пешқадам ғоялари билан ажралиб туради. Бир сўз билан айтганда, у Аллоҳни инсон қалбида, унинг юрагида, деб тушунади. Бу Баҳоуддин Нақшбанднинг фалсафий таълимотидаги тасаввуфий қарашлари билан ҳамоҳангдир. Фикримизнинг далилини мутасаввиф шоирнинг куйидаги шеърларида кўрамиз:

Ҳижрон накашед, бадии ғами васл чи донед,  
То дард набинед, даворо нашиносед.  
Эй аҳли ибодат, ҳама дар ишқ накўшед,  
Гар саждаю сатҳи худоро нашиносед.<sup>46</sup>

Кўриниб турибдики, Аллоҳни танимоқ учун банда унга интилиши, бу йўлда ҳижрону азобларга тайёр туриши лозим. Мутасаввиф шоир фикрича, юзаки ва сохта ибодат чинакам иймон-эътиқод ҳисобланмайди. Аллоҳни билиш ва таниш учун унинг сатҳини билиш заруратдир.

Шариатда иймоннинг иккинчи устуни Аллоҳнинг фаришталарига иймон келтиришдир. Оламдаги мавжуд нарсалар икки хил: биринчиси – сезги орқали мавжудлиги билинадиган нарсалар, иккинчиси – сезги орқали мавжудлиги билинмайдиган нарсалар. Хожа Исмат ҳам сезги орқали ҳис қилинадиган нарсаларни “ғайб”, яъни тасаввуфда эътироф этиладиган “илми ғайб” деб ҳисоблайди. Алломанинг дунёқарашида ғайбга ишонмоқ иймоннинг камолотидан дарак беради. Бу ҳақда аллома шоир бир ғазалида шундай таърифлайди:

Мо аз он рўз, ки илми назар омўхтаем,  
Ба жамоли ту чашм аз ду жаҳон дўхтаем.  
Муфлиси ҳалқаи савдои ту донем, ки мо  
Ҳосили ҳар ду жаҳон баҳри ту бифрўхтаем.  
Масеҳвор дар шаби торик худо то рўз,  
3-оташи рўи ту шамъи назар афрўхтаем.  
Ҳар киҳо шамси жамоли ту дилсўхта аст,  
Мо чу парвона дар андешаи он сўхтаем.  
Ишқ варзидан, Исмат, ба ту имрўзи манаст,  
Мо назарбозию ишқ аз азал омўхтаем<sup>47</sup>.

Мазкур байтлардан таркиб топган ғазал, мазмунининг теранлиги билан диққатга сазовордир. Шунингдек, аллома “илми назар” ибораси орқали Нақшбандия таълимотининг рашхаларидан бирига эътиборни қаратганига

<sup>46</sup> Бухорий, Хожа Исмат. Девон. – Техрон: Толоркитоб. Нашрга тайёрловчи Аҳмад Карамий. 1987. – Б. 291

<sup>47</sup> Бухорий, Хожа Исмат. Девон. – Техрон: Толоркитоб. Нашрга тайёрловчи Аҳмад Карамий. 1987. – Б. 423

гувоҳ бўлиш мумкин. Яъни солиқ ўз мақсади йўлида қадам босар экан, унинг эътиборидан оламнинг мутлақ мўъжизаси четда қолмаслиги зарур.

Хожа Исмаил Бухорий асарларида исломнинг инсонпарварлик моҳиятини, илм ва маърифат йўлини талқин этади. Шу маънода унинг меросида диний-фалсафий масалалар ечимида аҳли сунна ва жамоа эътиқоди асосидаги мўътадил ахлоқий-тарбиявий ғоялар муҳим ўрин тутди.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Муршиди комил ҳикматлари. Доктор, профессор, Шайх Маҳмуд Асъад Жўшон ҳикматларидан сайланма. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. – С 17,39.
2. Бухорий, Хожа Исмаил. Девон. – Техрон: Толоркитоб. Нашрга тайёрловчи Аҳмад Карамий. 1987. – Б. 291
3. Бухорий, Хожа Исмаил. Девон. – Техрон: Толоркитоб. Нашрга тайёрловчи Аҳмад Карамий. 1987. – Б. 423

## **АМИР ТЕМУР ВА АМИР КУЛОЛ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР**

**Раҳмонов Суннатилло Мавлонович**

**Самарқанд давлат чет тиллар институти тадқиқотчиси**

“Амир Калон” тахаллуси билан машҳур бўлган Саййид Амир Кулол ибн Амир Ҳамза ибн Амир Иброҳим тахминан 1281 йилда Бухоро атрофидаги Сухор қишлоғида дунёга келган. Саййид Амир Кулол Хожагон ва Нақшбандия тариқатларини бир-бирига боғлаб турган улуғ зот, Силсилаи Шарифнинг ўн бешинчи ҳалқа пири ва Бухорои Шариф Етти Пирининг олтинчиси дир. [1,51-59-б.] Саййид Амир Кулолнинг отаси Амир Ҳамза ибн Амир Иброҳим асли Ҳижознинг Мадина шаҳридан, пайғамбар с.а.в. авлодидан бўлиб, Мовароуннаҳрга кўчиб келгач Бухоро атрофида яшаб қолган. “Мақомоти Амир Кулол”да қайд этилишича, Саййид Амир Кулолнинг отаси Амир Ҳамза яссавия тариқатининг шайхи Саййид Ота билан яқин муносабатда бўлган.

Саййид Амир Кулол ҳақидаги қимматли маълумотлар “Мақомоти Амир Кулол” ва “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” асарларида батафсил ёритилган. Бухорои шарифнинг бешинчи пири Муҳаммад Бобои Самосий Саййид Мир Кулолни тарбия қилган ва Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга ўзи томонидан берилган барча билимларни беришни насихат қилиб топширган.[2,31-б.] Ҳазрат Бобои Самосий кураги ер кўрмаган паҳлавон Саййид Мир Кулолга қуйидаги насихатни берган: “Ҳақиқий паҳлавон, бу